


| | | | |
|---|----------------------|-----------------------------|-----------------|
|  | Индорама Агро | Хужжат № | H.01.F2-P1/D001 |
| | | Хужжат санаси | 28.05.2022 |
| | | Қайта кўриб чиқилган санаси | |
| | Одою ахлоқ сиёсати | Амалга ошириш санаси | 28.05.2022 |
| | | Саҳифа рақами | |
| ОДОБ АХЛОҚ СИЁСАТИ | | | |

1 Модда

Бошқарув тамойиллари

- a) Ушбу ҳужжат асосий ахлоқий масалаларни ўз ичига олган махсус тамойиллар ва сиёсатларни белгилайди. Бу ходимлар ўз ишларида дуч келишлари мумкин бўлган хавф соҳаларини аниқлайди ва ходимлар ўзларини қайндай тутишлари кераклиги ҳақида кўрсатма ва йўриқномалар беради. Ҳар қандай шубҳа туғилганда, бошлиқлардан ва /ёки кадрлар бўлимидан тегишли кўрсатмалар олишингиз мумкин.
- b) Барча ходимлар тўғри намуна кўрсатиш, кодексга риоя қиладиган иш жойидаги муҳитни сақлаш ва кодекс бузилишини олдини олиш учун ижобий ҳаракат қилиш орқали кодексга содиқлигини намоён этишлари керак.

2 Модда




Назорат

Хулқ атворни назорат қилиш бажариладиган ишларни назорат қилиш каби муҳимдир. Менеджерлар ҳар доим бошқаларга ўрнак бўлишлари ва ҳар қандай муносабатларда ахлоқий ёрдам кўрсатишлари ва ҳар қандай ахлоқсиз ҳатти ҳаракатларга йўл қўймасликлари керак. Ахлоқий масалалар бўйича очиқ муловоотларни қўллаб қувватлаш зарур. Ахлоқий қоидабузарлик тўғрисида ўзи томонидан хабар бериш рағбатлантирилиши керак ва ихтиёрий тарзда ўз томонидан хабар бериш интизомий жазо тайинлашда ижобий деб қаралади. Бундан ташқари, ахлоқий масалаларни кўтарган ходимлар ҳурмат қилинади.

3 модда

Қоида бузишлар учун интизомий чоралар

Кодексни бузган ҳар қандай шахсга нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари жумладан меҳнат шартномасини бекор қилиш жазолари қўлланилади. Ахлоқий қоидаларнинг бузилиши тўғрисида ўзи

| | | | |
|-------------|--------------------------------------|------------------|---|
| Тайёрлади: | Лавозими: - Кадрлар бўлими менеджери | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Текширди: | Лавозими: - Кадрлар бўлими директори | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Тасдиқлади: | Лавозими: - Бош Директор | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |

томонидан хабар бериш рағбатлантирилади ва тегишли интизомий чораларни қўллашда ижобий деб қаралади.

4 модда

Хавотирни қандай кўтариш мумкин

Хавотирлар ёки ушбу йўриқномаларнинг (ёки бошқа Индорама сиёсатларининг) бузилиши ҳақида куйидаги усуллардан бири орқали хабар бериш мумкин:


- a) **Эшикни очиш:** Эшикни очиш бу ҳар қандай ташвишни юқори лавозимга етказишнинг энг тўғридан тўғри усули. Агар сиз раҳбар(лар)ингиз нотоғри ҳатти ҳаракатларга алоқадор деб ҳисобласангиз, нотоғри ҳатти ҳаракат тўғрисида тегишли Индорама ташкилотингиз раҳбариятининг кейинги поғонасига ёки Директорлар кенгиши аъзосига хабар беришингиз керак. Қабул қилувчи аъзо бу масалани тезда ўз бошлиқларига етказиш учун жавобгардир.
- b) **Махфий ҳисобот бериш:** Ҳар бир Индорама ташкилоти ушбу мақсад учун тайинланган учинчи шахсларга, тегишли Индорама ташкилотининг Директорлар Кенгаши ва / ёки Корпоратив офисига электрон почта, телефон ва / ёки почта орқали хавотирлар ёки мумкин бўлган бузилишлар ҳақида махфий равишда хабар бериш бўйича махсус кўрсатмаларга эга бўлади.

5 модда

Ҳалоллик ва Самимийлик

Барча ходимлар ва бизнес ҳамкорлар шахсий ва профессионал ҳалоллик ва самимийликнинг энг юқори стандартларига мувофиқ ҳаракат қилишлари керак. Ходимлар ҳар қандай етказиб берувчидан, мижоздан, агентдан, хизмат кўрсатувчи провайдердан, бизнес ҳамкордан ёки филиалдан бирор бир фойда кўзламасликлари керак. Агар ходимга ўз вазифаларини бажариши ёки мақсадли бажарилиши муносабати билан учинчи шахслар томонидан нақд пул ёки бошқа имтиёзлар таклиф қилинса, унинг раҳбарига бу ҳақда зудлик билан хабар берилиши керак. Агар ходим ўз вазифасини бажариши ёки мақсадли бажарилиши муносабати билан учинчи шахслардан совға ёки нақд пул кўринишида бирор нарса олган бўлса, у дарҳол уни ўз раҳбарига топшириши керак. Агар бирон бир ходим бошқа ходимнинг коррупция ёки порахўрликнинг ҳар қандай шаклини амалга ошираётганлигини гувоҳи бўлса, ушбу масала юзасидан дарҳол хабар бериш зарур. Барча ходимлар, беихтиёр ёки бошқача тарзда, тегишли ходимга ва/ёки учинчи шахсларга келгусидаги текширувларга путур етказиши мумкин бўлган ҳар қандай маълумотни "хабар бермаслик" ёки ошкор қилмасликларини таъминлаши керак.

| | | | |
|-------------|--------------------------------------|------------------|---|
| Тайёрлади: | Лавозими: - Кадрлар бўлими менеждери | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Текширди: | Лавозими: - Кадрлар бўлими директори | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Тасдиқлади: | Лавозими: - Бош Директор | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |

| | | | |
|---|----------------------|-----------------------------|-----------------|
|  | Индорама Агро | Хужжат № | H.01.F2-P1/D001 |
| | | Хужжат санаси | 28.05.2022 |
| | | Қайта кўриб чиқилган санаси | |
| | Одою ахлоқ сиёсати | Амалга ошириш санаси | 28.05.2022 |
| | | Саҳифа рақами | |
| ОДОБ АҲЛОҚ СИЁСАТИ | | | |

6 модда

Манфаатлар тўқнашуви ва Ваколатнинг суистеъмол қилиниши



- a) Манфаатлар тўқнашуви ходим ёки бизнес билан боғлиқ манфаатлар ёки фойдалар бевосита ёки билвосита Индорама манфаатлари ёки фойдасига зид бўлган ҳолларда юзага келади. Ҳақиқий ёки мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятлар ва муносабатларни олдини олиш зарур. Можаронинг кўриниши ҳақиқий можаро каби зарарли бўлиши мумкин. Агар ходим Индорама манфаатларига мос келмайдиган ҳаракатлар қилса ёки манфаатларга эга бўлса ёки уларнинг Индорама номидан ўз ишини холис ва имкони борича бажариш қобилиятига халақит берадиган бўлса, зиддиятли вазият юзага келади.
- b) Ходимлар Индораманинг бизнес манфаатларини илгари суриш имконияти пайдо бўлганда масъулиятни ўз зиммаларига оладилар. Улар ҳеч қандай имкониятдан яъни махфий маълумотлардан ўзларининг шахсий манфаатлари фойдалари учун ёки дўстлари, оила аъзолари ёки учинчи шахсларнинг фойдаси ёки манфаати учун фойдалана олмайдилар.
- c) Ходимлар, шунингдек, Индорамадаги ўз мавқеидан ёки Индорама ресурслари, мулки ёки маълумотларидан шахсий манфаатлари ёки фойдалари учун дўстлари, оила аъзолари ёки учинчи шахсларнинг фойдаси ёки манфаати учун фойдаланиши мумкин эмас.

7 модда

Маданий ҳиссиёт ва жамоат хавфсизлиги

- a) Биз турли мамлакатларда ва турли маданиятлар орасида фаолият юритамиз. Чет эллик ходимлар маҳаллий урф одатлар ва маданиятни ўрганиши, тушуниши ва ҳурмат қилиши ва ҳеч қандай тарзда маҳаллий ҳис туйғуларга нисбатан ҳурматсизлик қилмаслиги керак.
- b) Барча ходимлар жамоат ишларига жалб қилинади. Раҳбариятнинг олдинги розилигидан ташқари, ҳар қандай жамоат фаолияти одатдаги иш вақтидан ташқари режалаштирилиши керак.

8 Модда

| | | | |
|-------------|--------------------------------------|------------------|---|
| Тайёрлади: | Лавозими: - Кадрлар бўлими менеждери | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Текширди: | Лавозими: - Кадрлар бўлими директори | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Тасдиқлади: | Лавозими: - Ёш Директор | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |




Совғалар ва миннатдорчилик

- Ходимлар мавжуд ёки потенциал етказиб берувчидан, хизмат кўрсатувчи провайдердан, мижоздан ёки бошқа бизнес ҳамкоридан бирор бир совға ёки миннатдорчилик қабул қилишлари мумкин эмас.
- Қиймати 100 АҚШ долларида паст бўлган махсус ҳодисалар муносабати билан бериладиган (масалан Янги йилда) ёки корпоратив совғалар (масалан блокнотлар, ручкалар, календарлар ва ҳоказолар)дан озод қилинади.
- Қабул қилинган ҳар қандай турдаги совға ёки миннатдорчилик учун берилган бирор бир нарса компаниянинг ўзига қайтарилиши керак. Агар қайтариб бериш имконсиз бўлса, қайтарилмаган совға ходимнинг раҳбарига хабар қилиниши керак ва қайта фойдаланиш ёки бошқа мақсадлар учун кадрлар ёки тижорат бўлимига топширилиши керак
- Ҳар қандай совға ёки миннатдорчилик таклифи ходимнинг раҳбарига хабар қилиниши керак.

9 Модда

Махфий маълумот

- Барча ходимлар Индорама маълумотлари ва ҳужжатларидан тўлиқ хабардор бўлишлари ва уларни қатъий равишда махфий тутишлари керак ва уларни ҳеч қандай алоқаси бўлмаган шахсларга ошкор қилмасликлари ёки тақдим қилмасликлари зарур. Махфий маълумотлар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади лекин фақатгина улар билан чекланиб қолмайди: тижорат сирлари, нав-хав, усуллар ёки жараёнлар, нодавлат компания маълумотлари ёки биз билан алоқада бўлган бизнес юритадиган бошқа ташкилотлар ҳақидаги маълумотлар.
- Ходимлар барча махфий маълумотларни ва бошқа ИНдорама мулкларини ўзларининг меҳнат фаолияти охирида қайтаришлари керак.
- Махфий маълумотлари ошкор қилинувчи ходим раҳбарнинг ёзма розилигисиз Индорамадан ташқарида ҳеч кимга ошкор этилмаслиги керак. Ҳар қандай моддий маълумотлар алмашишдан олдин, бошқа томон билан “Меҳнат шартномаси” имзоланиши керак (Тижорат ёки Молиявий бўлимда мавжуд). Махфий маълумотларни фақат қонуний бизнес мақсадларида ошкор қилиш мумкин. Эҳтиётсизлик юзасидан махфий маълумотларнинг ошкор қилинишини олдини олиш мақсадида Махфий маълумотлар билан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлинг.

| | | | |
|-------------|--------------------------------------|------------------|---|
| Тайёрлади: | Лавозими: - Кадрлар бўлими менеджери | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Текширди: | Лавозими: - Кадрлар бўлими директори | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Тасдиқлади: | Лавозими: - Бош Директор | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |

| | | | |
|---------------------------|----------------------|-----------------------------|-----------------|
| INDORAMA | Индорама Агро | Хужжат № | H.01.F2-P1/D001 |
| | | Хужжат санаси | 28.05.2022 |
| | Одою ахлоқ сиёсати | Қайта кўриб чиқилган санаси | |
| | | Амалга ошириш санаси | 28.05.2022 |
| | | Саҳифа рақами | |
| ОДОБ АҲЛОҚ СИЁСАТИ | | | |

10 Модда



Савдо сирлари

- a) Индорама ўз тизимлари, жараёнлари, маҳсулотлари, ав-хав ва технологияларни ривожлантиришга катта сармоя киритди. Ушбу маълумотлар бизнинг тижорат сиримиз сифатида қабул қилинади. Барча тижорат сирлари махфий ва хавфсиз сақланиши керак. Бизнинг шахсий савдо сирларимизни ғимоя қилишга қўшимча тарзда биз бошқаларнинг савдо сирларини ҳам ғимоя қилишимиз зарур.
- b) Ҳар қандай ходим Индорама ходими сифатида қилган ҳар қандай ижод ёки ихтиро Индораманинг қонуний мулки ва тижорат сирлари ҳисобланади.

11 модда

Инсайдер савдоси

- a) Инсайдер маълумотлари асосида акцияларни ёки бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш / сотиш ноқонуний ҳатти ҳаракат ҳисобланади. Шунингдек, акцияларни ёки бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш / сотиш учун инсайдер маълумотларини бошқаларга етказиш (маслаҳатлар бериш) ноқонуний ҳисобланади. Индорама ёки бошқа ҳар қандай компания жумладан таъминотчилар, миждозлар ёки бизнс ҳамкорлар тўғрисида норасмий муҳим маълумотлардан хабардор бўлган барча ходимларга ушбу компанияларнинг акциялари ёки бошқа қимматли қоғозлари билан (бевосита ёки билвосита) савдо қилиш таъқиқланади. Худди шундай чекловлар сизнинг уйингизда яшовчи ёки сизга қарам бўлган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.
- b) Инсайдер маълумотлари – бу оқилона инвестор инвестиция қарорини қабул қилишда муҳим ҳисоблаши мумкин бўлган ҳар қандай нодавлат маълумотдир. Инсайдер маълумотларининг умумий намуналари қуйидагилар:
- (i) Даромад прогнозлари,
 - (ii) Муҳим ёки кутилаётган қўшилиш, сотиб олиш ёки тендер таклифи ҳақидаги хабарлар,
 - (iii) Активларнинг сезиларли даражада сотилиши ёки тарқатилиши ҳақидаги хабарлар,
 - (iv) Дивидент сиёсатидаги ўзгаришлар, акцияларнинг бўлинишини эълон қилиш ёки қўшимча қимматли қоғозларни таклиф қилиш,

| | | | |
|-------------|--------------------------------------|------------------|---|
| Тайёрлади: | Лавозими: - Кадрлар бўлими менеждери | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Текширди: | Лавозими: - Кадрлар бўлими директори | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Тасдиқлади: | Лавозими: - Бош Директор | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |

- (v) Бошқарувдаги ўзгаришлар,
- (vi) Мухим янги маҳсулотлар ёки кашфиётлар,
- (vii) Яқинлашиб келаётган банкротлик ёки молиявий ликвидлик муаммолари,
- (viii) Мухим мижозлар ёки таъминотчиларни қўлга киритиш ёки йоқотиш ва
- (ix) Мухим шартномаларни тузиш ёки бекор қилиш.

12 Модда

Активларни муҳофаза қилиш

- a) Индорама мулки фақат бизнес мақсадларда ишлатилиши керак ва ҳеч қандай шахсий манфаат ва фойда олиш учун фойдаланмаслиги керак. Ходимлар ўз қарамоғидаги Индорама мулкани ҳимоя қилиш учун масъулдирлар ва уни ўғирлик, нотўғри фойдаланиш, йоқотиш, шикаст етказиш ёки саботаждан ҳимоя қилиш учун оқилона чоралар қўришлари керак.
- b) Индорама бланкасидан шахсий ёки нотижорат мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

13 модда




ОАВ баёнотлари

Ходимлар Корпоратив идоранинг розилигини олдиндан олмай туриб Индорама номидан ёки унга тегишли бўлган бирор бир баёнотларни (ёзма ёки оғзаки) ахборот воситаларига, янгиликлар нашрларига, савдо нашрларига ёки бошқа оммавий алоқа каналларига бера олмайдилар. Бундан ташқари, ходимлар корпоратив идоранинг олдиндан розилигисиз Индорама билан боғлиқ ташқи оммавий ахборот воситаларининг ҳар қандай сўровига жавоб бера олмайди.

14 модда

Ўзаро ҳурмат

- a) Барча ходимлар бир бирига ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлишлари керак. Улар иш жойидаги барча ўзаро муносабатларида адолатли ва ҳушмуомила бўлишлари керак. Адолатли ва тенг имкониятларга содиқлигимизни намойиш этиш орқали биз ҳурмат ва ишонч муносабатларини ўрнатамиз.

| | | | |
|-------------|--------------------------------------|------------------|---|
| Тайёрлади: | Лавозими: - Кадрлар бўлими менеджери | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Текширди: | Лавозими: - Кадрлар бўлими директори | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Тасдиқлади: | Лавозими: - Бош Директор | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |

| | | | |
|---|----------------------|-----------------------------|-----------------|
|  | Индорама Агро | Хужжат № | H.01.F2-P1/D001 |
| | | Хужжат санаси | 28.05.2022 |
| | | Қайта кўриб чиқилган санаси | |
| | Одою ахлоқ сиёсати | Амалга ошириш санаси | 28.05.2022 |
| | | Саҳифа рақами | |
| ОДОБ АҲЛОҚ СИЁСАТИ | | | |

b) Индорама ирқчиликнинг ҳар қандай кўринишини шу ҳумладан бошқаларнинг орқи, ранги, маданияти ёки динига қараб нафратланиш, ҳурматсизлик қилиш ёки ҳақорат қилишга ундайдиган ҳар қандай ҳатти ҳаракатларни қоралайди. Бунга ҳар қандай ходим, бизнес ҳамкорлари ёки бошқа манфаатдор томонларга нисбатан оғзаки, ёзма, онлайн мулоқот ёки жисмоний ҳатти ҳаракатлар киради.

15 модда

Дискриминация йўқ

Индорама мафқуравий қарашлар, ирқи, ранги, этник келиб чиқиши, дини, жинси, миллати, минтақавий жиҳатдан келиб чиқиши, оилавий аҳволи, ёши, ногиронлиги, инсон ҳуқуқи сифатида қараладиган ҳар қандай ҳолатидан келиб чиқиб ишга қабул қилишга ёки ташкилий қарорлар қабул қилишда ҳеч қандай дискриминацияга йўл қўймайди. Қолаверса, мижозларга, таъминотчиларга, хизмат кўрасувчи провайдерларга ёки бизнес ҳамкорларга нисбатан ҳар қандай дискриминацияга йўл қўйилмайди.

16 модда

Таъқиб ва номақбул жисмоний хулқ атвор

- a) Индорама ходими, таъминотчи, мижози ёки Индорама билан бизнес қилаётган ҳар қандай шахсга нисбатан ҳар қандай турдаги таъқибга йўл қўйилмайди ва таъқибга айбдор деб топилган ходимга нисбатан Индорама ҳар қандай интизомий чораларни кўради жумладан меҳнат шартномаси бекор қилингунга қадар чоралар кўрилади. Таъқиб қилиш кенг маънода тушунилади ва иш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган, ҳар қандай шахснинг қадр қимматини пасайтирадиган ёки кўрқитувчи, душманлик ёки бошқа ҳақоратли иш муҳитини яратадиган ҳар қандай ҳатти ҳаракатни ўз ичига олади.
- b) Иш жойида жинсий характердаги оғзаки, визуал ёки жисмоний ҳатти ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Мисол учун:
- (i) Жинсий алоқада бўлиш, шахвоний илтифот сўраш, ёмон сўзлар, номақбул ҳазиллар, одамнинг танаси ёки жинсий фаолияти ҳақида сўзлар, ва
 - (ii) Шахвоний суратлар ёки нарсаларни кўрсатиш, жозибали кўринишлар ёки ўйин кулгулар.
- c) Индорама шунингдек Индорама мулкига иш пайтида ёки Индорама билан бизнес юритишда

| | | | |
|-------------|--------------------------------------|------------------|---|
| Тайёрлади: | Лавозими: - Кадрлар бўлими менеджери | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Текширди: | Лавозими: - Кадрлар бўлими директори | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Тасдиқлади: | Лавозими: - Бош Директор | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |

зўравонлик ҳатти ҳаракатларига ёки таҳдидларга йўл қўймайди.

17 модда

Иммиграция

- a) Индорама чет эллик ишчиларни йоллаш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ барча маҳаллий иммиграция қоидаларига риоя қилишга ҳаракат қилади.
- b) Индорама барча бандлик агентликлари, пудратчилар ва Индорама билан иш олиб борадиган бошқалардан маҳаллий иммиграция қонунларига тўлиқ риоя қилишларини талаб қилади.

18 модда


Дўстона муносабатлар

- a) Ходимлар иш жойида ҳурмат, ишонч, хавфсизлик ва самарадорликка ёрдам берадиган тарзда ўзларини тутишлари талаб қилинади. Ходимлар бошқа ходим билан ишқий муносабатда бўлмасликлари керак агар бу бошқа шартларнинг меҳнат шартларига таъсир қилса.
- b) Ишқий муносабатлар юзага келган тақдирда, айниқса манфаатдор ходимлар орасида бўйсунуш муносабатлари мавжуд бўлса, кадрлар бўлими бундай муносабатларнинг давом этмаслигини олдини олиш мақсадида ротация ишларини амалга оширади.

19 модда

Спиртли ичимликлар ва назоратга олинган моддалар истеъмоли

- a) Индорама назорат қилинадиган моддалар ва алкогольсиз иш муҳитини яратиш тарафдори. Агар бирор бир ходим иш пайтида назорат қилинадиган моддалар ёки спиртли ичимликлар таъсири остида бўлганлиги аниқланса, Индорама ушбу ходим билан меҳнат шартномасини дарҳол бекор қилишга ҳақли.
- b) Назорат остида бўлган моддалар ёки спиртли ичимликлар таъсири остида бўлган Кодексни бузган шахсларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилади. Шубҳага йўл қўймаслик учун назорат остида бўлган моддалар ёки алкоголь таъсирида бўлиш Кодексни бузиш учун узр бўла олмайди.

| | | | |
|-------------|--------------------------------------|------------------|---|
| Тайёрлади: | Лавозими: - Кадрлар бўлими менеждери | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Текширди: | Лавозими: - Кадрлар бўлими директори | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Тасдиқлади: | Лавозими: - Бош Директор | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |

| | | | |
|---------------------------|-----------------------------|----------------------|-----------------|
| INDORAMA | Индорама Агро | Хужжат № | H.01.F2-P1/D001 |
| | | Хужжат санаси | 28.05.2022 |
| | Қайта кўриб чиқилган санаси | | |
| | Одою ахлоқ сиёсати | Амалга ошириш санаси | 28.05.2022 |
| | | Саҳифа рақами | |
| ОДОБ АХЛОҚ СИЁСАТИ | | | |

с) Индорама ишга даъвогарлардан ишга қабул қилиш жараёнининг бир қисми сифатида назорат қилинадиган моддаларни текширишни талаб қилади. Ноқонуний назорат остидаги моддаларни ижобий синовдан ўтказадиган ҳар қандай аризачи ишга қабул қилинмайди. Қонун томонидан рухсат этилган ҳолларда, агар ходимлар назорат остидаги моддалар ёки алкоголь таъсирида эканликлари шубҳаланишга етарли асослар мавжуд бўлса, улар тасодифий тест ёки махсус тестдан ўтказилишлари мумкин.




20 модда

Таъминотчилар, Савдо ҳамкорлари ва бизнес ҳамкорлар

Индорама етказиб берувчилар, саавдо шериклари ва бизнес ҳамкорлари билан муносабатларини қонуний, самарали ва адолатли бизнес амалиётига асослайди. Етказиб берувчиларни танлаш объектив меъзонлар жумладан сифат, нарх, етказиб бериш, жадвалларга риоя қилиш, махсулотнинг яроқлилиги, таъминотнинг етарли манбаси ва Индораманинг харид қилиш амалиёти ва тартиблари асосида амалга оширилиши керак. Индорама бизнес мақсадларини ҳисобга олган ҳолда етказиб берувчиларга ҳурмат, адолат ва ҳалоллик билан муносабатда бўлиши керак. Шунингдек, биз етказиб берувчиларимиз ва ҳамкорларимиздан ўз бизнес амалиётларида амалдаги барча қонуний талабларга риоя қилишларини ва ахлоқий жиҳатдан ишлашларини талаб қиламиз.

Кўрсатмалар

- (i) Ҳозирги ёки потенциал етказиб берувчилар ва / ёки ҳамкорлар билан оила аъзолари ёки дўстларини иш билан таъминлаш борасида мурожаат қилмасликлари керак,
- (ii) Агар собиқ ходимлар билан уларнинг аввалги ва янги лавозимлари орасида манфаатлар тўқнашуви юзага келган бўлса, Индорама бандай ходимлар билан ортиқ ишламайди,
- (iii) Қариндошингиз ёки дўстингиз эгалик қиладиган ёки бошқарадиган етказиб берувчи / ҳамкорга бизнесни йўналтирманг,
- (iv) Таклифлар, таклифларни тайёрлаш ёки шартнома бўйича музокараларда иштирок этаётган ходимлар барча баёнотлар, хабарлар ва вакиликларнинг тўғри ва ишончли эканлигига ишонч ҳосил қилишлари керак,
- (v) Етказиб берувчилар / ҳамкорлар билан ижтимоий ёки бошқа муносабатларга эга бўлманг, агар бундай муносабатлар номақбул кўринишни келтириб чиқариши ёки бизнесга ортиқча таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, ва
- (vi) Ишчилар хавфсизлиги, атроф муҳит, инсон ҳуқуқлари ёки бошқа қонуний талабларни бузётган етказиб берувчилар / ҳамкорлардан эҳтиёт бўлинг ва ҳар қандай бундай ҳаракатлар ҳақида

| | | | |
|-------------|--------------------------------------|------------------|---|
| Тайёрлади: | Лавозими: - Кадрлар бўлими менеждери | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Текширди: | Лавозими: - Кадрлар бўлими директори | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Тасдиқлади: | Лавозими: - Бош Директор | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |

раҳбариятингизга хабар беринг.

21 модда

Атроф муҳит, саломатлик ва хавфсизлик

Индорама ходимларнинг саломатлиги, хавфсизлиги, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва барча амалдаги қонунларга мувофиқ бизнес юритиш мажбуриятини олади. Ходимлар ҳар доим барча тегишли атроф муҳит, саломатлик ва хавфсизлик қонун қоидаларига риоя қилишлари шарт. Ушбу масалаларга тегишли ҳар қандай сиёсат барча объектлардаги барча стратегик жойларда кўрсатилиши керак.




Кўрсатмалар

- (i) Чиқиндиларни камайтириш,
- (ii) Заҳарли ёки хавfli материалларни масъулият билан ва амалдаги қонунларга мувофиқ утилизация қилинг,
- (iii) Қўшнилари ва маҳаллий ҳамжамиятларнинг экологик ҳуқуқ ва манфаатларини ҳурмат қилиш,
- (iv) Хавфсиз иш шароитини яратиш,
- (v) Бахтсиз ҳодисалар ва аварияларни олдини олиш,
- (vi) Хавfli фаолият ва шароитлардан жумладан ёнғин чиқиш йўлларини тўсиб қўйиш, инвентарларни нотўғри сақлаш ва йўлакларни тўсиб қўйишни олдини олиш, ва
- (vii) Атроф муҳит, соғлиқ ва хавфсизлик билан боғлиқ барча Индорама сиёсатлари ва кўрсатмаларига риоя қилиш.

22 модда

Ҳукумат ишлари ва сиёсий фаолиятлар

- a) Қонун талаб қилган ёки маҳаллий бошқарув рухсат берган ҳолатдан ташқари ходимлар иш вақтидан ёки бошқа ходимларнинг иш вақтидан ташқари сиёсий фаолият билан шуғуллана олмайди. Ходимлар сиёсий номзод ёки ташкилотнинг қўллаб қувватлаши, маъқулланиши ёки гувоҳлиги билан боғлиқ ҳолда ўзларининг Индорама субъекти директорлар кенгашининг олдиндан розилигисиз ўзларининг лавозим инвонларидан ёки Индорамага мансубликларидан фойдалана олмайдилар.
- b) Ҳукумат терговчиларининг сўровларига тўғри ва ваколатли орган томонидан берилагн ҳар қандай кўрсатмаларга мувофиқ жавоб берилиши керак.

| | | | |
|-------------|--------------------------------------|------------------|---|
| Тайёрлади: | Лавозими: - Кадрлар бўлими менеждери | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Текширди: | Лавозими: - Кадрлар бўлими директори | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Тасдиқлади: | Лавозими: - Бош Директор | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |

| | | | |
|---------------------------|-----------------------------|----------------------|-----------------|
| INDORAMA | Индорама Агро | Хужжат № | H.01.F2-P1/D001 |
| | | Хужжат санаси | 28.05.2022 |
| | Қайта кўриб чиқилган санаси | | |
| | Одою ахлоқ сиёсати | Амалга ошириш санаси | 28.05.2022 |
| | | Саҳифа рақами | |
| ОДОБ АХЛОҚ СИЁСАТИ | | | |

23 модда

Халқаро Савдо

- a) Халқаро савдо турли халқаро, икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар, маҳаллий иқтисодий сиёсат ва қоидалар орқали тартибга солинади.
- b) Федерал идоралар ўз мамлакатлари манфаатларига ва иттифоқчиларнинг манфаатларига зид деб ҳисобланган фаолиятлари учун бир қатор давлатларга шунингдек ушбу мамлакат фуқаролари ёки бошқа шахсларга нисбатан турли хил эмбарго ва санкция дастурларини амалга оширадilar. Белгиланган шахслар ва жинойий ташкилотлар масалан террорчилик ташкилотлари, гиёҳванд моддалар савдогарлари ва қурол тарқатувчилар билан операцияларни амалга ошириш қатъиян ман этилади. Ушбу қоидаларни бузган компаниялар ёки жисмоний шахсларга нисбатан оғир фуқаролик ва / ёки жинойий жазолар қўлланилиши мумкин. Ҳар қандай ташкилот/мамлакат/жисмоний шахслар билан халқаро савдо музокалари ёки операцияларга киришишдан олдин ҳар доим ўз раҳбарингиз билан маслаҳат қилинг.


Кўрсатмалар

- (i) Сиз бизнес юритаётган барча мамлакатларнинг лицензиялаш, юк ташиш ҳужжатлари, бож талаблари, импорт/экспорт ҳужжатлари, ҳисобот ва ёзувларини сақлаш талабларини ўз ичига олган барча тегишли халқаро савдо назорати қоидаларига риоя қилинг.
- (ii) Халқаро савдо битимида қайси томон савдо ҳужжатларининг тўғрилиги учун жавобгар эканлигини тушуниш ва Индорама транзакция бўйича ўз мажбуриятларини тўғри бажарганлигига ишонч ҳосил қилинг, ва
- (iii) Ходимлар ким билан ишлаётганликларини билишган масъулдирлар.

24 модда




Маълумотлар хавфсизлиги

Маълумотлар хавфсизлиги бизнесимиз ўзлуксизлиги учун жуда муҳимдир. Ахборот, тизимлар ва маълумотларни ҳимоя қилиш учун хавфсизлик саралари зарур. Барча ходимлар ички Ахборот

| | | | |
|-------------|--------------------------------------|------------------|---|
| Тайёрлади: | Лавозими: - Кадрлар бўлими менеджери | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Текширди: | Лавозими: - Кадрлар бўлими директори | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Тасдиқлади: | Лавозими: - Бош Директор | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |

INDORAMA**ОДОБ АҲЛОҚ СИЁСАТИ**

хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда ўзларининг маълумотлар ва ахборот тизимларини ҳимоя қилиш мажбуриятини олишлари керак.

| | | | |
|-------------|--------------------------------------|------------------|---|
| Тайёрлади: | Лавозими: - Кадрлар бўлими менеждери | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Текширди: | Лавозими: - Кадрлар бўлими директори | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |
| Тасдиқлади: | Лавозими: - Бош Директор | Сана: 28.05.2022 | Имзо:  |